

Бизлар ким куйида имзо чекиб узаро шартнома тузувчилар бир томондан « RIVOJ 98 » ХК рахбари М. Мамадалиев келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан Олтинкул туман Хокимлиги номидан хоким М Обидов келгусида «Истеъмолчи» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартнома буйича «Истеъмолчи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги куйида келтирилаётган махсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулотлар номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қийматзи
1	Бетон сим ёғоч	дона	200	1 260 000	252 000 000
2					
	Жами		200		252 000 000

Сумма суз билан: Икки юз эллик икки миллион сум

2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган меъёрларга мувофиқ булиши ҳамда сифат сертификатидан утказилган булиши лозим.

3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 252 000 000 (Икки юз эллик икки миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Хисоб китоб «Истеъмолчи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, тасдиқлангандан сўнг 5 банк иш куниди «Истеъмолчи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % изи олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70 % изини «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варақ фактуралари асосида маблағ 30 банк иш куниди ўтказиб беради.

3.5. «Истеъмолчи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган товар махсулот олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажмда узил-кесил хисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;

- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қуйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-қун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;

- Баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

- уз буюртманомаси буйича етказиб берилган товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йўл қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Истеъмолчи»нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «Истеъмолчи» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. «Истеъмолчи» маъсул ходимини «Таъминотчи»нинг омборига товар олиб келиш учун жонатилади, ва «Истеъмолчи»нинг маъсул ходими шартнома буйича Таъминотчи»нинг омборидан товарни қабул қилади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Истеъмолчи»нинг буюртманомасида курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан камида 1-қун олдин хабардор қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилаётган товар махсулот сифати миқдори «Таъминотчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» етказиб берилаётган товар махсулотнинг сифатини

шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари “Истеъмолчи”га нотугри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20% миқдориди пеня тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган товар махсулот кийматининг 20% миқдориди пеня тулайди.

6.3. Товар махсулот етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи “Истеъмолчи”га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак булган товар махсулотнинг 20% миқдориди пеня тулайди. Жаримадан ташқари “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га товар махсулот етказиб беролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тулайди.

6.4. Товар махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориди пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот кийматининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.5. Етказиб берилган товар махсулот учун уз вақтида ҳақ туланмаганда “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% миқдориди пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурий бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қондага қура, мустақил равишда улар судгача хал этиш чорларини қурадилар.

8.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8.3. Шартнома бузилиб узаро келишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлар асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

9. КУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тугрисидаги узғариш булса, олдиндан узаро келишувга асосан узғартириш қиритилади.

9.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, узаро келишиб олинади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жиҳатидан тенг қучли ҳисобланади.

10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Шартнома ҳудудий Газначилик бўлинимасидан руйхатдан утган кундан бошлаб, 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси “Таъминотчи”да сақланади иккинчи нусхаси “Истеъмолчи”да сақланади.

11. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

«RIVOJ-98» ХК

(етказиб берувчи номи)

«Сотиб олувчи»

Олтинкул туман ҳокимлиги

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фаргона вилояти Фаргона туман Юкори
Водил кфй

Манзил: ,Андижон вилояти Олтинкул туман

Тел./факс:

х/р: 2020 8000 9039 7302 9001

Банк: Капиталбанк Фаргона филиали

Ш х/в: 100022860032027049997018001

СТИР: 200254533

Газначилик

булинимаси номи: Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.Бош бошқармаси

ҳисоб-китоб касса Маркази

МФО 00014

Газначилик булимаси СТИРи: 201122919

МФО: 01043 ИНН: 202 739 654



Раҳбар: М. Мамадалиев

(имзо)



Раҳбар: М Обидов

(имзо)

(фамилия ва исми)

Юрист: *Shirvan M. Mamadaliyev*